

“БУХОРО ШАШМАҚОМИ: ТАРИХИЙ-НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ”

МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ АМАЛИЙ АНЖУМАН

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

2019 йил 25 февраль



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУСИҚА ТАЪЛИМИ КАФЕДРАСИ

**БУХОРО ШАШМАҚОМИ: ТАРИХИЙ-
НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ
МАСАЛАЛАРИ**

мавзусидаги республика илмий амалий конференцияси
МАТЕРИАЛЛАРИ

“Дурдона” нашриёти
Бухоро, 2019

МУНДАРИЖА

Абдуқобил Тўлаганов. Шашмақом юртига эҳтиром	4
1-ШҲЪБА	5
Отаназар Матякубов. Шашмақом тарихига бир назар	5
Файзулла Тўраев. Шашмақомхон устоз	9
Б. Х. Мадримов. Бухоро вилоятида мақом санъатини янада ривожлантириш ва унинг тарғиботи ҳақида	10
Б. Ашуров. Бухоро шашмақомини ўзбек мақомоти тизимида	13
Б.М.Рахимов. Шашмақом тамойилларни Хоразмда қарор топиши	14
Р.Болтаев. Ўзбек мақомотининг нодир манбаси	15
Ш. Рўзиев, С. Муродов. Хор санъатини замонга мос ривожлантириш лозим	16
N. Nurullayeva. Maqom – o'zbek mumtoz musiqasi durdonasi	17
E. Qudratova. Mumtoz musiqa madaniyatimizni o'rganish yo'llari	17
Саид Болта-Зода Саидий. Мозий садоларидан таралган усуллар семантикаси	18
Н. Манарипова. “Шашмақом” ёш авлодда ўзлик ҳиссини шакллантириш манбаи	20
У. Миршаев. Ўзбек мақомларида ҳазрат Навоий ғазаллари	21
В. Umurzoqov. Katta ashula va uning jahon miqyosida tan olinishi	22
2-ШҲЪБА	24
Г.Я. Гревцева, Р.А. Литвак. Развитие речевой культуры студентов в процессе изучения педагогики и психологии	24
G.N.Aminova. Maktabgacha ta'lim muassasalarida innovatsion texnologiyalar	26
H. Hasanov. Musiqa darslarida obrazli tafakkurni shakllantirishda fanlarning roli	27
N. Hasanova. Musiqiy-nazariy bilimlarni o'zlashtirishda didaktik o'yinlardan foydalanish	27
M. Ismoilova. Talabalar ma'naviyatini shakllantirishda vokal o'qituvchisining o'rni	29
A.Қаландаров. Ибн Синонинг “Билимлар китоби”да мусиқа ҳақида	30
M. Nurmatova. Musiqa asarlarini tranpozitsiya qilishning dastlabki usullarini egallash yo'llari	31
Sh. Majitov. Yosh avlodning ongini rivojlantirishda musiqa fanining ahamiyati	34
У.Ю. Юлдошев. Баркамол авлодни тарбиялашда миллий мусиқий тасаввурларнинг ўзига хос хусусиятлари	35
M. Mardonova. Maktabgacha ta'lim muassasalarida didaktik o'yinli mashg'ulotlar	36
M. Муродов Бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг касбий малакаларини шакллантиришда мустақил таълимнинг ўрни	38
L. Pimazarov. Yoshlarni tarbiyalashda musiqa tarbiyasining imkoniyatlari	39
R. Primov, J. Qayumov. Yoshlar tarbiyasida musiqaning o'rni	40
N. Allayarova. Hozirgi kunda barkamol shaxsni musiqiy tarbiyalash	41
Б. Мустафоев. Мусиқий фаолиятда интерфаол таълимнинг аҳамияти	42
U. Boliyev. Yoshlar tarbiyasini shakllantirishda zamonaviy texnik vositalarning o'rni	43
З. Давлатназарова. Болажонлар руҳи ва жисмига мусиқанинг таъсири	44
А. Ережепов. Жирволарнинг дostonни ижро этиши асосида ўқувчи-ёшларнинг маънавий тарбиясини шакллантиришнинг шакл ва усуллари	45
J. Xodjayev. Dars jarayonini faollashtiruvchi usullar va ularning ahamiyati	47
Д. Жомардова. Мактабгача таълимда нафосат тарбияси	48
Н. Ибрагимова, А. Султонов. Мусиқа санъатида педагогик технологияларнинг қўлланилиши	49
Ш. Камолов. Мусиқа таълими жараёнида мустақил ишларнинг самарадорлигини ошириш	50
J. Kozimov. Zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanishning ahamiyati	50
Б. Курбонов, Г. Курбанова. Глобаллашув жараёнида таълимнинг ўрни	52
Қ. Рахимов. Мусиқа ўқитувчисига кўйиладиган замонавий талаблар	52
М. Курбанова. Мусиқа таълимида педагогик технологиялардан фойдаланиш имкониятлари	54
А. Одилов, Р. Набижонов. Педагогик касбий компетентлик ва унга хос сифатлар	55
А. Ражабов, У. Миршаев. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг бадий дидини шакллантириш	56
Д. Рўзиев. Мусиқий таълим-тарбиянинг замонавий технологияси	58
D. Samadova. Sinfdan va maktabdan tashqari musiqa tarbiyasi shakllari	59
Alayeva Z. Yoshlar tarbiyasida xalq musiqasining o'rni	60
G. Toshova, M. Sobirova. Innovatsion metodlarni qo'llashning psixologik jihatlari	61
G. Toshova, N. Gayhullayeva. Shaxs psixologiyasini modulli o'qitishda innovatsion texnologiyalardan foydalanish imkoniyatlari	62
Олимхўжа Каримов. Тўғарак машғулоти ҳамда концертларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш	63
U. Matyaqubova. “Musiqa idroki va tinglash madaniyatini shakllantirish” modulini o'qitishda ta'lim texnologiyalaridan foydalanish	65
У. Ҳамраева. Бадий тўғаракларнинг маънавий-маърифий фаолиятини ривожлантиришнинг педагогик омиллари	68

мақомдан санъаткорлар истеъдодли ёшларга Шашмақом ва мақом йўлидаги халқ ашулаларини ижро этиш сирларини ўргатардилар.

Хофиз 1928 йилда профессор Н.Н.Миронов раҳбарлигида Самарқандда ташкил этилган Ўзбекистон мусиқа ва хореография илмий-текшириш олийгоҳида атоқли санъаткорлар В.А.Успенский, Ота Жалол, Ота Гиёс, Ҳожин Абдурахмон ва бошқалар билан бирга келажакда ўзбек мусиқа санъатининг йирик намояндалари бўлиб етишган М.Ашрафий, М.Бурхонов, Д.Зокиров, Т.Содиқов, Ш.Рамазонов, О.Ҳалимовларга Шашмақомнинг мушқилот ва наср қисмлари ижро услубларидан сабоқ беради.

1932 йилда санъат ходимларининг республика съезди қатнашчиларига аталган концертга энг машҳур созанда ва хонандалар билан бирга иштирок этгандан сўнг, у Ўзбекистон Радиоси Давлат комитетига ишга таклиф этилади ва шу муносабат билан Тошкентга кўчиб боради. Бу ерда у мусиқа тадқиқотчиси Елена Романовская билан ҳамкорлик қилиб, Рост мақомидан “Наврўзи Сабо”, Бузрук мақомидан “Қашқарчаи Сарвиноз”, “Насруллои”, Дугоҳ мақомидан “Мўғулчаи дугоҳ” каби мақом шўъбаларини оҳанрабо тасмасига ва пластинкага ёздиради. Таниқли мусиқашунос олима Е.Романовская Домла Ҳалим овозининг таъсир кучи ва ижро услубини қуйидагича таърифлаган эди: “...У ашулани гўзал тембрли товушда тиниқ ва эркин ижро этишдан ташқари қудратли нафасга ҳам эга эди ва бир нафасда ашуланинг жуда мураккаб авжларини усталик билан ижро этар, шунингдек, товушни узоқ чўза олар эди. У табиий овозга эга бўлиб, умрининг охиригача ашулани худди ёшлардек осонлик билан ижро этарди, ашула авжига “юз” марта чиққанда ҳам унинг юзида озгина бўлса-да кучаниши кўрмайсиз”.

Дарҳақиқат, Домла Ҳалим жуда ноёб ва сеҳрли овоз соҳиби эди. Унинг овози мусиқа тили билан айтганда. Тенор – алтина бўлиб, жуда юқори пардаларда тиниқ жаранглайдиган “шиками” (товушни ичкаридан – қориндан чиқариш услуби) овоз сирасига киради. Устозона ашула ижрочисининг тадқиқотчиси Довуд Муллақандовнинг айтишича, “шиками” овоз ўз навбатида чуқур нафас олишга асосланган бўлиб, бутун диапозони бўйича енгил, тиниқ, жаранглаб чиқади, бундай товуш билан ҳар қандай хофиз ашула айтганда, аппаратларнинг резонатор бўшлиқларида акс садо беради ва натижада ҳеч қандай микрофонсиз овоз яхши, жарангдор янграйди.

Домла Ҳалим 1937 йилда Москвада ўтказилган ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлигида собиқ СССРнинг катта театрида ашула айтганида залда ўтирган мусиқа мутахассисларидан бири хофизнинг микрофонсиз овози жуда баланд чиқаётганлигига шубҳа қилиб, саҳнага чиқади ва уни обдон текширади, сўнгра хонанда овозидан ҳайратда қолиб, қайта пастга тушади.

Домла Ҳалим Ибодовга хос моҳирона ижро услуби фақат ўзбек ва тожик мусиқа санъаткорлари ва шинавандалари томонидан эмас, балки бошқа халқ забардаст ашула мутахассислари ва композиторлари томонидан ҳам жуда юксак баҳоланади. Хусусан, Москва ва Ленинград консерваторияларининг вокал кафедраси профессорлари А.Мигай ва бошқаларни унинг баланд овози ва ижро услуби қойил қолдиради.

Атоқли халқ ашулачиси Домла Ҳалим фақатгина мақом ва мақом йўлидаги мумтоз ашулаларини айтиб, уларни тарғиб қилиш билан шуғулланмасдан, шогирд тайёрлаш борасида ҳам анча заҳмат чекди. Ўзбек ва тожик санъатининг забардаст намояндалари Мухтор Ашрафий, Мутал-Бурхонов, Шохназар Соҳибов, Фазлиддин Шаҳобов, Ёқуб Довидов, Борух Зиркиев, Маъруфжон Тошпўлатов, Нажмиддин Насриддинов, Габриэль ва Нуриэль Бенаминовлар, Эргаш Шукруллаев ва Аюб Қодировлар каби мусиқа санъатимизнинг йирик арбоблари Домла Ҳалим Ибодов шогирдларидир. Унинг фарзанди, Ўзбекистон халқ артисти, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Бердақ мукофоти совриндори, композитор Олимжон Ҳалимов катта жамоат арбоби эди. Кичик фарзанди Раҳимжон Ибодов бошқа соҳа мутахассиси бўлса ҳам, мусиқадан анча хабардор киши бўлган. Умуман халқ ардоқлаган хофиз Домла Ҳалимнинг миллий маданиятимиз тараққиёти, ноёб мусиқа мероси мақомларни кейинги авлод вакилларига етказишдаги хизмати бекиёсдир. У умрининг охиригача (1940 йилда вафот этган) ўз халқига ва ўзбек миллий санъатига ҳалол хизмат қилди. Унинг хизматлари ҳукумат томонидан юқори баҳоланиб, унга Ўзбекистон халқ хофизи унвони берилди. Кейинчалик Бухоро шаҳрида 1-сон мусиқа мактаби ва шаҳардаги кўчалардан бирига унинг номи берилган.

Яқинда ноёб истеъдод ва катта маҳорат эгаси, ўзининг довудий овози билан Марказий Осиё ва ҳатто унинг ташқарисида ҳам шуҳрат қозонган севимли хофиз Домла Ҳалим Ибодовнинг таваллудига 140 йил тулди. Шунинг айтмоқчимизки, забардаст хофизнинг хотирасини абадийлаштириш учун фақат биргина мактаб ёки биргина кўчага унинг номини бериш билан чегараланиб қолмасдан, туғулган шаҳри Бухорода Домла Ҳалим уй музейини ташкил қилиш, шунингдек, Ўрта ва Олий санъат илмгоҳлари талабалари орасида Домла Ҳалим Ибодов номли Республика танловларини ўтказиш ва ниҳоят унинг мақом ижрочилик мактабини тиклаш билан хофиз руҳини шод этишимиз лозим. Чунки халқ учун, халқ миллий мероси, халқнинг тарихий маънавий кадриятлари учун хизмат қилишга бутун онгли ҳаётини бағишлаган ардоқли санъаткор ҳар қандай таҳсин ва хурматга лойиқдир.

БУХОРО ВИЛОЯТИДА МАҚОМ SANЪАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНИНГ ТАРҒИБОТИ ҲАҚИДА

Б. Х. Мадримов
БухДУ профессор в.б.

Мамлакатимизда бугунги кунда барча соҳалар қатори маданият ва санъат йўналишида ҳам чуқур ислохотлар ва ижобий ўзгаришлар бўлаётганлигини кўриш мумкин.

Хусусан, Мухтарам Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрда “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қабул қилган қарори маданият ва санъат ходимлари учун алоҳида аҳамиятга молик воқеа бўлди. Мазкур қарорда Ўзбекистонда мақом санъатини янада ривожлантириш, бу борадаги шаклланган ижро ва ижодий мактаблар ва анъаналарни, буюк бастакорлар, ҳофиз ҳамда созандалар меросини чуқур илмий асосда ўрганиш ва тиклаш, бу борада республика ва вилоятларда миллий мақом ансамбллари ташкил этиш, Ўзбекистон давлат консерваториясининг “Шарк мусикаси” факультетини қошида “Ўзбек мақом тарихи” ва назарияси” кафедрасини ташкил этиш, республикадаги педагогик олий таълим муассасаларининг мусиқий таълим йўналишида мақом санъатини алоҳида фан сифатида ўқитишни жорий қилиш, шунингдек, вилоятларда намунали мақом ансамбллари ташкил этиш, ва 2018 йилдан бошлаб Шаҳрисабз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш каби қатор вазифалар катъий белгилаб қўйилган.

Дарҳақиқат, Шашмақом ўзининг бастакор миллий жозибаси, ижод кирраларининг бойлиги билан жуда қадимий тарихга ва умуминсоний қадриятларга эга бўлган ноёб мусиқий туркумдир.

Шашмақом тафаккурининг тарихий қатламларига чуқурроқ кириб борилса, унинг мангикий баркамоллиги, таркибий тузилишининг ўзаро мутаносиблиги, шакллариининг ниҳоятда гўзаллиги, куй ва оҳанглариининг нафис сайқал топганлиги, бир сўз билан айтганда, унинг асрлар давомида уйғунлашган бир мусиқий мажмуа эканлигини кўриш мумкин.

Шашмақом мусиқий фалсафаси инсон ички кечинмаларининг тўғри идрок этилиши, шунингдек, ёш авлодни қонил инсон даражасига етиштиришда муҳим аҳамият касб этади. Унинг салобатли вазмин оҳанглирида сабр матонат каби хусусиятлар тараннум этилса, нисбатан лирик, шўхчан пардаларида эса, ёр - диёр васфи, севги ва садоқат мадҳи, шунингдек, соғинч ва ҳижрон оҳанглири намоён бўлади.

Шашмақом том маънодаги илоҳий, айни пайтда умумбашарий мусиқий асарлар уйғунлигининг энг гўзал намунаси дир. Унда ҳар қандай руҳий ҳолатда ҳам инсонларга таъсир эта оладиган кучни топиш мумкин. Демак, мумтоз мусикамизнинг гултожи бўлган Шашмақом инсон вужудини даволайдиган, уни маънан ва ахлоқан поклайдиган, шунингдек, инсонни баркамоллик даражасига етказа оладиган бир руҳий восита ҳисобланади. Шу фазилатлари туфайли Шашмақом 2003 йилда ЮНЕСКО томонидан “Жаҳон маданиятининг бебаҳо дурдонаси” сифатида эътироф этилди.

Шашмақомнинг тарихий тузилишига назар солар эканмиз, унинг ўн икки мақом негизда XVIII асрнинг иккинчи ярмида Бухорода шаклланганлиги ва кўп ҳолда Бухоро Шашмақоми номи билан машҳур бўлганлигини кўриш мумкин.

Қадимда Абу Наср ал - Форобий, Абу Али ибн Сино, Сафиуддин ал-Урмавийлар бошлаб берган Ўн икки мақом тизимидаги бу жанрни такомиллаштирилган олти мақом, яъни Шашмақом шаклига келтиришда Нажмиддин Кавкабий Бухорий, Дарвишали Чангий, Бокий Рудий, Камол Бухорий каби бухоролик истеъдодли хонанда ва созандаларнинг хизмати чексиз бўлган. Кейинчалик устоз санъаткорлар Ота Жалол, Ота Ғиёс, Қори Камол, Қори Каромати Дилқаш, Левича ҳофиз, Домла Ҳалим Ибодов, Уста Шоди қабилар минг йиллик мақомларимиз умрига умр қўшиб уни кейинги авлод вакиллари етказишда беқиёс хизмат қилдилар.

Гап шундаки, Шашмақом пойдеворида гарчанд XV-XVII асрлардан бошлаб тамал тоши қўйила бошланган бўлса-да, унинг тўла шаклланиши XVIII асрнинг ўрталарида содир бўлган. Бу ҳодиса айнан мангитлар сулоласининг Бухоро амирлиги тахтига ўтирган даврига бевосита тўғри келади. Ва Шашмақомнинг кейинги тарихий даври айнан мангитлар ҳукмдорларининг Шашмақомга бўлган муносабати билан боғлиқдир.

Демак, Шашмақом Бухорода буюк ҳофиз ва хонандалар томонидан шакллантирилиб, Бухоро Шашмақоми номига эга бўлган мусиқий мажмуа ҳисобланади. Шунини айтмоқчимизки, кейинги йилларда ўзбек мусикашунослиги фанида мақомларнинг ҳудудий номланишида баъзи ноаниқ фикрлар пайдо бўлмоқда. Масалан, айрим мусикашунослар Хоразм мақомлари, Фарғона-Тошкент мақом йўллари деб айтадилар-у Бухоро Шашмақоми айтишда уни фақат Шашмақом ибораси билан тилга оладилар, ҳолос. Ваҳоланки, ўтмишда Шашмақом айнан Бухорода шаклланган ва сўнгги такомиллиги етганлиги манбаларда ёзиб қолдирилган. Бинобарин, уни Бухоро Шашмақоми деб айтиш ҳақиқатга тўғри келади. Рост, илгари мақомхонликда “Туркистон мақомлари”, “Хўжанд мақомлари”, “Истаравшан мақомлари”, “Дарвоз мақомлари” каби иборалар мавжуд бўлган. Лекин унда мақомларнинг ҳудудий ижрочилик услублари, мақомхонлик мактаблари назарда тутилган эди.

Яна бир мулоҳаза: Бугунги кунда миллий мусикашуносликда “Ўзбек мақомлари”, “Тожиқ мақомлари” каби иборалар пайдо бўлиб бу мақомшуносликнинг кейинги нашрларида яққол кўзга ташланмоқда. Бундай ҳолатни санъатшунослик фанлари доктори, профессор Рустамбек Абдуллаев ва Ўзбекистон халқ ҳофиси Ҳасан Ражабийнинг Тошкентда нашр этилган “Ўзбек мақомлари”, ёки Тожикистонда санъатшунослик фанлари доктори, профессор Аслиддин Низомов муҳаррирлигида 2007 йилда Душанбенинг “Ижод” нашриётида чоп этилган Шашмақом (1-Рост мақоми) китобларида учратиш мумкин.

Гап шундаки, иккала нашрда ҳам оҳанг, усул, ҳамда парда-лад, шунингдек, тузилиш шакли деярли муштарак бўлган мақомлар ҳақида фикр юритилади. Фақат мақомларнинг матн-сўз тузилишида фарқ бор, ўзбек ва тожиқ тилларида ёзилган, шунингдек, ижро услубида айрим ўзига хослик кўзга ташланади, ҳолбис. Ҳолбуки, ўзбек-тожиқ Шашмақомининг шундай эмперик жиҳатлари мавжудки, уни айнан шу ўзаро

боғлиқлик хусусияти билангина яхлит мусикий мажмуа сифатида тасаввур қилиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, бизнингча, иккала халқ-ўзбек ва тожик мусикий мероси - Шашмақоми ўртасида Булок Хитой деворини ҳосил қилмасдан уни устоз Исоҳқ Ражабов таъкидлаганидек, "ўзбек ва тожик халқларининг мусикий мероси" - деб аташ илмий ҳақиқатга тўғри келади ва бу адолатлиҳамдир.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов 1998 йилнинг июнида Тошкентда бўлиб ўтган тожик маданияти ҳафталигининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида тожик ва ўзбек халқлари маънавий-маърифий жондошлигини тарифлай туриб, "Халқларимизнинг дили-дилига нақадар яқинлигини умумий бойлигимиз бўлган Шашмақом ҳам, Ушшок, Сегоҳ, Чоргоҳ сингари мумтоз куйларимиз ҳам кўрсатиб туради" деб айтган эди.

Шунингдек, забардаст шоир Абдулла Орипов ҳам ўзбек ва тожик халқларининг азал-азалдан жондошу қондош эканлигини қуйидаги мисраларда ифода этганлигини кўриш мумкин:

Дўсту қардошдир азалдан ўзбегим-тожик билан,
Иккиси бир байт газалдан ўзбегим-тожик билан.
Бахтга ёр доим Навоий токи Жомий бор экан,
Биз улар қўйган тамалдан ўзбегим-тожик билан.

Ана шундай Фатҳу Нусратга эга бўлган табаррук Шашмақомнинг бутунги кунда ўрганилиши ва унинг тарғиботини йўлга қўйиш борасида Бухоро вилоятида қандай амалий ишлар бажарилаяпти.

Энди шу ҳақда тўхталамиз:

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда мақом санъатининг ривожланиши масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб унинг тарғиботи борасида катта амалий ишлар йўлга қўйилди. Жумладан, вилоятимизнинг Ёғдувон (раҳбари Муҳаммад Шодиёв), Вобкент (раҳбари Ари Бобохонов), Пешкў (раҳбари Ориф Атоёв), Бухоро (раҳбари Истам Аслонов), Когон (раҳбари Моше Бобохонов) сингари қатор туманларда "Мақом ансамбллари" ташкил этилиб, истеъдодли ёшларга мақомхонлик йўллари ўргатила бошланган эди. Шу даврда ушбу ишнинг тарғиботчилиги шу даражада етдики, вилоятнинг деярли барча қорхона ва таълим муассасаларида, "ҳаваскор мақомчилар" жамоаси ташкил қилинган эди. Яна бир қувонарлиси шундаки, ҳар йили мазкур йўналишда вилоят ва Республика миқёсида кўрик - танловлар ҳамда Республика телевиденияси орқали махсус курсатувлар намойиш этилар эди. Шу билан бирга мақомларни илмий ва назарий ўрганиш ишлари ҳам йўлга қўйилган эди.

Республикаимиз ҳукуматининг қарори билан Ўзбекистон давлат Консерваторияси қошида "Шарқ мусиқа кафедраси", Санъат коллежлари қошида "Анъанавий хонандалик" кафедраси, шунингдек, Олий таълим муассасаларининг Мусикий таълим йўналиши ўқув дастурида "Анъанавий кўшиқчилик" фани киритилдики, бу ёш мақомхонлар сафини янада кенгайтиришда асосий омил бўлиб хизмат қилди.

Лекин катта афсус ва надоматлар билан шуни айтмоқчимизки, кейинги йилларда мазкур жўшқин жараённинг фаоллиги анча сусайиб қолди. Биз юқорида айтиб ўтган туманлардаги мақом ансамбллари бутунги кунда деярли ўз фаолиятини тўхтатди. Айни пайтда вилоят филармонияси қошидаги 1991 йилда ташкил этилган "Мақом ансамбли", шунингдек, Бухоро ва Ёғдувон туманларидаги мақом ансамбллари ўз фаолиятини давом эттириб келмоқда, холос.

Пировардда шуни айтмоқчимизки, Бухоро вилоятида мақом санъатини янада ривожлантириш учун қўшимча имконият ва шароитлар мавжудки, уларни биз қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларимизда ифода этмоқчимиз:

- мақом санъатини янада ривожлантириш учун биринчи навбатда вилоятда Бухоро Шашмақоми илмий-амалий марказини ташкил этиш лозим;
- марказда Шашмақомнинг ҳам назарий ҳам амалий йўналишда ўрганишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир;
- марказ тасарруфида бир "Намунали мақом ансамбли" ва имкон даражасида вилоятнинг барча туманларида ҳам "Мақом ансамбли" жамоаларини ташкил этиш лозим. (Зеро, юқорида айтганимиздек авваллар вилоятнинг барча туманларида мақом ансамбллари мавжуд бўлиб, ҳозирда уларнинг аксарияти ўз фаолиятини тўхтатганлар);
- марказ қошида бадний кенгаш гуруҳини тузиб, улар барча "Мақом ансамбллари" фаолиятини кузатиш ва уларга услубий ёрдам беришга масъуллиги белгиланиши лозим;
- "Бухоро Шашмақоми"нинг назарий тадқиқотини йўлга қўйиш учун Марказга илмий даража ва илмий унвонга эга бўлган бир нафар мусиқашунос (мақомшунос) олимни ишга жалб этиш мақсадга мувофиқдир;
- марказ тасарруфида бўлган "Мақом ансамбллари"да (бунга туманлар Мақом жамоалари ҳам қиради) мақомхонликнинг "Бухоро мактаби йўллари" ўргатилиши асосий мақсад қилиб олиниши зарур;
- вилоят ҳудудидаги турли санъат ва маданият муассасаларида фаолият кўрсатаётган истеъдодли мақомхон ёшларни Марказ тасарруфидаги "Намунали мақом ансамбл"га ишга жалб этиш;
- Бухорода йилда бир марта мақомларнинг илмий-назарий ўрганишига доир Республика анжуманларни ўтказиш;
- Бухорода икки йилда бир марта Домло Ҳалим Ибодов, номли Республика мақомхонлик кўрик танловини ўтказиш;

-шаҳардаги “Намунали мақом ансамбли”га Шашмақом пири Ота Ҷалол номини бериш, шунингдек, Бухоро санъат коллежида фаолият кўрсатаётган “Анъанавий хонандалик ва анъанавий созандалик” кафедрасига машҳур мақомдон устоз Маъруфжон Тошпўлатов номини бериш мақсадга мувофиқдир;

- Бухоро Шашмақоми тарихи ва унинг “Бухоро мақом мактаби” йўлларини акс эттирувчи рисола ва услубий қўлланмаларни чоп эттириш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги тақлиф ва мулоҳазалар инобатга олиниб, бу борада амалий ишлар талаб даражасида йўлга қўйилса, Президентимизнинг “Мақом санъатини янада ривожлантириш чора - тадбирлари тўғрисида” қабул қилган қароридаги вазифаларни бажаришга доир амалий жавоб бўлади, деб ўйлаймиз.

БУХОРО ШАШМАҚОМИ ЎЗБЕК МАҚОМОТИ ТИЗИМИДА

Б. Ашуров,

Ўзбекистон давлат консерваторияси
“Илмий педагогик кадрлар тайёрлаш” бўлими бошлиғи,
Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзоси.

Ўзбек халқининг мусиқий маданияти жуда бой ва қадимий. Ушбу мўътабар мероснинг барча кўринишлари жонли анъаналарию қадимий ҳамда замонавий ҳолатларига боғлиқ илмий муаммоларни ўрганиш жуда муҳимдир. Бунинг учун ўрта асрларда яратилган мусиқий рисолаларни мумтоз мусиқамизнинг жонли анъаналари кесимида кўриш, шунингдек таҳлил қилиш ва замонавий мусиқий тушунчалар билан ифодалаб, мутахассислар ҳамда мухлислар диққатига ҳавола этиш зарур.

Кўлёма манбаларни тадқиқ қилиш, хусусан, мумтоз мусиқамизга оид асарларни ўрганиш мусиқий меросимиз ҳам давлатчилик тарихимиз сингари қадимийлигини исботлайди ҳамда ҳозирги анъанавий мусиқамиз илдизлари чуқур эканлигини кўрсатиб беради.

Ана шундай ноёб ва нодир мусиқий манбалар XVI-XVII асрларда Бухорода яратилди ва бутун Марказий Осиё ҳудудларида мусиқий маданиятнинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбек мумтоз мусиқа санъати ва мусиқий маданияти тарихини ўрганишда ушбу даврларда яратилган мусиқий рисолаларни ўрганиш лозим. У вақтларда Марказий Осиёнинг энг йирик шаҳри, шубҳасиз, Бухоро эди. Маданият ва илм-фан маркази бўлиш бу мўтабар ва муаззам шаҳарда ўнлаган таникли мусиқашунос ва етук бастакорлар яшаб ижод қилдилар. Нажмиддин Кавкабий, Дарвиш Али Чангий, Ҳасан Кавкабий, Сафиуддин Ғазнавий, Хожа Калон Хуросоний каби мусиқашуносларнинг асарлари айна шу пайтларда юзага келди.

1847 йилда Бухорода ёзилган Шашмақомга доир кўлёмалардан бирида “Олти даромад ва уларнинг насрлари ҳақидаги рисола тўла тамом бўлди” (“Таммат тамом шуд рисолаи шаш даромад ма’а насрхояш”) деган жумла мавжуд. Бу жумлада “Олти даромад ва уларнинг насрлари” калит тушунчалар бўлиб келади. XIX асрга оид бошқа мусиқий рисола ва баёзларда “сараҳбор” ва “мақом” атамалари ҳам ишлатилганлигига гувоҳи ҳам бўламиз. Устозлар орасида эса “Шашмақом”ни “шаш сараҳбор” дейилган ўринлари ҳам мавжуд. Бундаги “сараҳбор” ибораси ўтмиш рисолаларида “асл жинс(товушқатори)” деб ҳам юритилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам мавжуд.

Наср – Шашмақом (олти даромад ва олти сараҳбор) кесимида “мақом” атамасига қўшма тушунчадир. Ва айнан шу олти мақом ва уларнинг насрлари билан биргаликда Шашмақом атамаси тарихий шаклланган мусиқий шаклининг умумий номи сифатидда муомалага кирган иборадир.

XIX аср Бухоро ва Хоразм манбаларида “наср” сўзи икки кўринишда – «са» ва «сод» ҳарфлари билан ёзилган шаклларда келади. (نثر ва نصر кўринишларида). “Са”ли (نثر) наср нутқнинг аралаш шакли “проза”га нисбатан ишлатилади. “Сод”ли (نصر) наср эса (луғави маъноси ёрдам, кўмак) дастлабки мақом парда тузилмаларига нисбатан кўмакчи лад тузилмалари маъносини англатади.

Юқорида қайд этилган жумла “олти даромад, насрлари билан” дейилганда, айнан шу маънодаги парда тузилмалари назарда тутилади. Демак, ана шу қўшалок ибора мақом ва наср кўшилишидан, умумий “шашмақом” тушунчаси келиб чиқади. Бошқача қилиб айтганда, олти мақом ва ўн саккизта насрни ўз ичига олувчи парда тизими ҳақидаги муштарак тушунча пайдо бўлади. Мазкур парда тизими нафақат Бухоро Шашмақоми, балки бутун мақомот мажмуасининг маъно-моҳиятини англатувчи ибора сифатида мусиқа тарихида ўз ўрнини эгаллайди.

Фитрат Шашмақомни шунчаки олти мақом эмас, балки олти қатор асос куйлар (парда тузилмалари) мажмуаси сифатида таърифлайди. Демак, зикр этилган барча маълумотларни умумийлаштирадиган бўлсак, парда, мақом, асос куй атамалари бир хил маъно лад-модус атамаларига маънодош ўрнида ишлатилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Шундай қилиб бир томондан мақом-даромад-сараҳбор, иккинчи томондан мақом-парда-асос куй-лад ибораларани умумийлаштириш Шашмақом парда тизими, дейдиган хулосага келамиз ҳамда манбалар асосида у куйидаги йигирма тўртта бирликдан таркиб топишлигини эътироф этишимиз мумкин:

- Рост – Ушшоқ, Сабо, Панжгоҳ;
- Бузрук – Насруллоҳи, Уззол, Мухайяри Чоргоҳ;
- Наво – Баёт, Ораз, Ҳусайний;
- Дугоҳ – Чоргоҳ, Ораз, Ҳусайний;
- Сегоҳ – Ҳижоз, Наврўзи Ажам, Наврўзи Хоро;

